

ЖИЗЗАХНИНГ
ЖОЗИБАСИ БОШҚАЧА



3



Райхон УЛЕСЕНОВА:

АЁЛНИНГ УЛУҒЛИГИ
УНИНГ ҚАЛБИДА

4

ҲАЛОЛИДАН
БЕРСИН...

6



8

ГУЛ ИФОРИ

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадқарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Хунарлининг ризқи бутун, толеи баланд бўлади

УШБУ СОНДА:

«Мактаб ярмаркалари» фаолияти кўнгилдагидекми?	2
Бир сурат тарихи ёхуд армонга айланган орзулар	5
Оилалилар кўп яшайди(ми?)!	5
Эрта никоҳ оқибати яхшиликка олиб келмайди	6
Қандай сувни ичяпсиз?	8

ҲИКМАТ

Қандай ишдан табиб-га ҳожат бўлмайди?

Кам емоғу кам ухла-моғу кам гапирмоқ-дан!

Абу Али ибн Сино

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ фаолиятдан аҳоли мамнун бўлмоқда


Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари тугашига ҳам оз фурсат қолди. Шу боис ота-оналар айни пайтда фарзандларнинг мактабга боришларига тайёргарлик кўриш, ўқув йили давомида керак бўладиган ўқув-ёзув қуроллари ҳамда кийим-кечаклар харид қилишни аллақачон бошлаб юборишган. Хўш, ўқувчиларнинг мактабга тайёргарлик кўриши борасида қандай қулайликлар яратилмоқда? “Мактаб ярмаркалари” фаолияти кўнгилдагидекми?

Файзулла АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг бош бошқарма бошлиғи:

— Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси, кийим-кечаклар ва пойабзаллар билан таъминлаш учун жорий йилнинг 10 августидан бошлаб республика миқдори бўйича жами 1885 та мактаб ярмаркалари ўз фаолиятини олиб бормоқда. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида олис ва бориш қийин бўлган тоғли ҳамда чўл худудларида 130 та кўчма автодўконлар ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Мақсуд маҳсулотларнинг аксарияти хисси юртимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозирда олти миллион на-

фар ўқувчилар учун эҳтиёжлар заҳираси шакллантирилган. “Мактаб ярмаркалари” фаолиятини уюшқорлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар ва килларидан иборат ишчи гуруҳлари тuzилган. Маҳсулотлар аниқланган эҳтиёж асосида Ўзбекистон Матбуот



ва ахборот агентлиги, “Ўзбекенгилсаноат” компанияси, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси, “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳаллий ҳокимликлар Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда мактаб ярмаркаларида савдоси ташкил этилаётган маҳсулотларнинг республика миқдорида амалдаги стандартлар талабларига жавоб беришини ҳамда уларнинг сифатини назорат остига

Тадорик

олишни белгиланган. Шу билан бирга, ушбу маҳсулотларнинг нарх-наволари сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда уларда тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва Давлат солиқ кўмитаси томонидан доимий назорат ўрнатилган. Мактаб ярмаркаларидаги олди-сотди ишларини амалдаги солиқ ва банк қонунчилигига тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга ошириш ҳамда аҳолига қўшимча қулайлик яратиш учун савдо ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида 1885 та барча турдаги тўлов терминаллари ишламоқда.

Биринчи синф ўқувчилари ҳар йилгидек дарсликлар билан бепул тўлиқ таъминланади. Қолган синф ўқувчиларига эса мактаб кутубхонаси томонидан ижара асосида дарсликлар етказилади. 2-, 3-, 8- ва 9-синф дарсликлари қайтадан нашр қилинди.

Мактаб бозорларида сотилаётган маҳсулотлар ичида бир неча хилдаги махсус формалар сотилапти. Хар бир мактабда ота-оналар ва кенг жамоатчилик фикри ҳамда талабга асосан ўқувчиларга белгиланган кийим танлаб олинади. Зеро, ўқувчиларнинг бир хил кийимда юришлари, аввало, уларда маъсулиятни оширади, тартиб-интизомли бўлиш, устозларига нисбатан ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлайди.

“Оила ва жамият” муҳбири
Барно МИРЗААХМЕДОВА
ёзиб олди.

Жараён

МАЪНАВИЯТ ТАДБИРИ

Юртимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир соҳада аёлларимизнинг истеъдоди ва қобилиятларини намоён этиши борасида барча имкониятлар яратилган.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам бунинг ёрқин далилидир. Мазкур Фармон қабул қилинганга бу йил 10 йил тўлди. Шу муносабат билан Шуманай туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан 13-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида “Маънавият оиладан бошланади” мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси ва бошқа кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилганлиги хусусида атрофлича сўз юритдилар.

Тадбир сўнгида тумандаги 12 та овул ва макон фуқаролар йиғини маънаватчиларига ҳамкор ташкилотлар томонидан совғалар тақдим этилди.

Шаида ЯКУПОВА,
Шуманай туман хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси.

ОИЛА — ИБРАТ МАКТАБИ

Юртимизда оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган эътибор туфайли бугунги кунда “Оила – маҳалла – таълим муассаси” тизимида олиб борилаётган ишлар самарали бўлмоқда. Бу борада бизнинг коллежимизда ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилляпти. Масалан, ўқувчиларимиз истиқомат қиладиган маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман ФХДЭ бўлими ҳамда тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда интерактив усулларга таянган ҳолда ўтказилаётган “Еш оила қурувчилар” мактаби машғулотларида мутахассислар ёшларга нафақат оила қуришнинг ҳуқуқий асослари, никоҳ тузиш шартлари, балки унинг тузилишига монелик қиладиган ҳолатлар, никоҳдан ажралишнинг ҳуқуқий ва салбий оқибатлари, оиладаги иқтисодий, психологик, тарбиявий, молиявий, репродуктив муносабатлар ҳақида ҳам батафсил равишда тушунириш ишларини олиб боришмоқда.

Болалар тарбиясида отанинг каттиққўллиги, онанинг меҳрибонлиги муҳим аҳамиятга эга. Оиладаги соғлом муҳит, меҳр-муҳаббат, оқибат, ўзаро ҳурмат ва тотувлик ота-онанинг билим-савияси, иймон-этиқоиди, дунёқарашининг бойлиги, пул ва моддий бойликларга муносабати каби омилларга ҳам боғлиқ.

Оила тинч экан, кўнгил хотиржам, ишлар барақали бўлади. Кексаларимизнинг “Оилангиз тинч бўлсин”, “Кўша қаринлар” дея дуо қилишларининг ҳикмати ҳам ана шунда. Бу ҳикматларни ўқувчиларимиз қанча теран англасалар, уларнинг келгуси ҳаёти шу қадар чиройли ва ибратли кечади.

Бусаида ТУРАБОВЕВА,
Зарафшон компьютер технологиялари коллежи хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси.


БЎСТОНЛИҚДА БИР ГЎША БОР

Бўстонлиқ тумани гўзал диёримизнинг сўлим гўшаларидан бири, унинг бетакорр табиати нафақат юрдошларимиз, балки хорижий меҳмонлар учун ҳам қадрили саналади. Бир қатор сийҳатгоҳлар, дам олиш масканлари ҳар куни юзлаб меҳмонлар хизматида. Табиатни аслича сақлаш ва бойитишда шу ерлик аҳолининг хиссаси катта, албатта.

— Тоғликларнинг табиати бир оз ўзгачароқ бўлади, тоғ хавоси уларнинг хулқ-атвори, ҳатто жисмонан соғломлигида ҳам акс этади, — дейди **Сидқий Хондайлиқий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Туробов**. — Ота-оналаримиз бизларни ҳалол меҳнат қилишга, илмли ва яхши хулқли, ориятли бўлишга ўргатишган. Қишлоқда ҳамма бир-бирини яхши танийди, улар ҳаммаша тўғри яшашга одатланган. Қишлоқ фуқаролар йиғинимизда Сидқий Хондайлиқий ва Кўктуңли маҳаллалари бўлиб, уларда жами 6243 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллалар аҳли асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Айни пишиқчилик вақтида қишлоғимиздан минг тоннагача узум, гилос, олма ёнғоқ ва бошқа мевалар эл дастурхонига тортиқ этилади. Албатта, томорқадан фойдаланишнинг ҳадисини олганлар ўз рўзгорини тўқ, тўқин қилаётганини кўриш мумкин. Касаначиларимиз, чевару кособлар ҳам кўп. Худудимизда 10 та дўкон ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари мунтазам ишлаб турибди.

Ҳашар йўли билан иккала маҳалламизни туташтирувчи катта кўприк қайта қурилди. Қишлоқнинг ички йўллари анча таъмирталаблигини инobatта олиб, бу масалада ҳам жиддийроқ бош котиришимиз лозим.

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақлга амал қилган маҳалла-



дошларнинг ҳар бири ўғил-қизларнинг маънавий тарбиясига асло бефарқ эмас. Шунингдек, тўй-ҳашамлардан тортиб, оилаларда ўтказиладиган кичик маросимларгача ўзаро маслаҳатлашиб олинади. Тўй олди-дан икки куда томон билан суҳбатлашамиз, сўнгра келин-куёвларнинг ҳам фикрларини тинглаб, баҳамжиҳатликда иш тутамиз.

— Ҳн йилдан буён шу маҳаллада маслаҳатчи бўлиб фаолият юритаётман, — дейди **Сидқий Хондайлиқий маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси**

Ватан маҳалладан бошланади

Санобар опа Тўлақова. — Шу йиллар давомида ҳар куни, вақти келса, дам олиш кўни ҳам оилаларга кириб, уларни ўйлантираётган муаммоларга биргаликда ечим топиб, қувончларига шерик бўламиз. Ҳозирда асосан бешта сектор бўйича иш олиб борилмоқда, “Ораста қизлар” клубида ҳам ибратли ишлар қилинапти, жамоатчилик билан ҳамкорлигимиз яхши самаралар бермоқда. Ҳар бир хонадон бизга яқиндан таниш, уларнинг яшаш шароитлари, фарзандларининг мактаб, коллежларга ўз вақтида қатнашишга эътиборимизда туради. “Саломатлик сектори”да қишлоқ врачлик пунктнинг малакали мутахассислари ҳамда маҳалла патронажлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳафтаининг ҳар душанбасида ҳамширалар билан биргаликда бир қатор оилаларда бўлиб, туғиш ёшидаги аёллар билан суҳбатлар ўтказамиз. Қизларни эрта турмушга узатмаслик, келинларга бефарқ бўлмаслик борасида ҳар бир қайнона ва оналар билан маслаҳатлашиш маъносида тушуниришлар олиб бориляпти. Кези келганда келин-қизлар ўз яқинларига айтишга ийманган айрим муаммолари ҳақида биз билан маслаҳатлашишди. Ҳомиладор аёлларнинг соғлиги, шароитларидан доимий бабардоримиз.

Чиндан ҳам қадриятларимиз, меҳр-оқибат туйғулари ҳар бир ишимизда маънавий мезонга айланган.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Тошкент вилояти.

ЖИЗЗАХНИНГ ЖОЗИБАСИ БОШҚАЧА

Эътироф

Жиззахнинг жозибаси бошқача, деган таърифни авваллари кўп эшитганман. Вилоятнинг сўлим табиати, яратувчанлик ва бунёдкорликка интилиб яшаётган иссиқ чехрали, тиниб-тинчимас одамларига қиёсан айтилган бу таъриф. Вилоятнинг шахару туманлари, маҳаллалари кундан-кунга чирой очиб, одамларининг руҳияти ва яшаш тарзи янгиланиб бораётганида хотин-қизларнинг ҳам алоҳида хизмати бор.

— Мустақиллик йилларида оилаларимизда фаровонлики ошириш ва фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан етук салоҳиятли ва жисмонан соғлом бўлиб ўсишлари борасида амалга оширилаётган ишлар, хотин-қизларга кўрсатилаётган гамхўрликлар бизга ўзгача куч-гайрат бағишляпти, — дейди **Жиззах вилояти хотин-қизлар кўмитаси котибият мудир Хулқар Юсупова**. — Бугун вилоятимизнинг қайси бир маҳалласига борсангиз ҳам жамиятимизда ўз ўрнини топган, сергайрат онахонла-

точкалар ва ташрифномалар солишга мўлжалланган бежирим қутилари кўриб, эндигина балоғат ёшига қадам кўяётган бу йигитнинг маҳоратига тан бермай иложингиз йўқ. Унинг укалари Бекзод ва Бобуржон ҳам акасининг ишларига ҳавас қилиб, шу хунар сирларини ўрганишга бел болаган.

Кулама қишлоқ фуқаролар йиғинидаги “Мулканлик” маҳалласида истиқомат қилаётган Тўлқин Зоиржонов хонадониди ҳам катта-ю кичик бирдек иш билан машғул. Хонадоннинг иккинчи қизи Дилноза Туропова

мини совға қилдик...

— Президентимиз Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ва Давлат дастурларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вилоятимизда хотин-қизларнинг яшаш шароитини янада

“Ёш оилалар фаровонлигини ошириш мақсадида 2014 йилнинг олти ойи мобайнида 73 нафар ёш оилга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун 3566,0 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

“Олий Мажлисининг Қонуячилик палатасида 2 нафар, маҳаллий кенгашларда эса 86 нафар депутат аёл бор. Айни пайтда вилоятда 5 нафар профессор, 27 нафар фан номзоди илмий унвонини кўлга киритган хотин-қизлар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш йўлида меҳнат қилишмоқда.

яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, аёллар, айниқса қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **Хулқар Юсупова**. — “Соғлом бола йили” Давлат дастури асосида 9 та туманда 12 та “Гўзаллик салони” иш бошлади. Бу ишларда ҳам хотин-қизларимиз фаоллик кўрсатишмоқда. Масалан, Арнасой туманидаги “З.М. Бобур” маҳалласида Б.Абировва, За-

тиблари бўйича ўқув-семинарлари ташкил этилди ва хунар эгаси бўлганликлари ҳақида дипломлар, ўз тадбиркорлигини бошлаш истагида бўлганларнинг 6 нафарига банк сертификатлари топширилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Жиззах шахрининг архитектура қиёфасини тубдан яхшилаш мақсадида 2012-2017 йилларга мўлжалланган махсус дастур асосида қурилиш ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, бозор ва хиёбонлар янги қиёфада қад ростламқда. Алишер Навоий кўчасида 5,4 гектар майдонда қурилаётган спорт мажмуасида ўн минг ўринлик стадион, сузиш ҳавзаси, теннис кортлари, мини футболга мўлжалланган майдонлар ва бошқа иншоотлар ўғил-қизлар ихтиёрига топширилди. Шароф Рашидов кўчасига пасткам уйлар ўрнида қурилаётган 2-3 қаватли замонавий турар-

“Жорий йилда қишлоқ жойларидида намунавий лойиҳалар асосида 627 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, шу кунгача 181 та уй қуриб битказилди. Қолган уйларда ҳам қурилиш ишлари якунланиш арафасида турибди.

“Вилоятда истиқомат қилаётган 1 миллион 200 нафардан ортиқ аҳолининг 50 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 714 нафари турли раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Вилоятнинг битта шахар ва 12 та туманида хотин-қизлар кўмитаси ва ҳудудларда 1405 та бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

римиз, опа-сингилларимизнинг фаоллик кўрсатиб, эл қорига яраётганига гувоҳ бўласиз.

Ижодий сафаримизни ана шундай маҳаллалар билан танишувдан бошладик. Вилоятда хунармандчилик, тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани туфайли боболаримиз, момоларимиз кўлида сайқал топган каштачилик, гиламчилик, ёғоч ўймакорлиги каби нодир хунарлар ёшлар томонидан замонавий услублар билан бойитилмоқда.

Баҳамал туманидаги Музбулоқ маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойдиной Абдурашидова касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ва ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун юртимизда яратилаётган имкониятлар туфайли кўплаб қизларимиз паррандачилик, чорвачилик, тикувчилик йўналишларида янги-янги лойиҳалар асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётгани ҳақида қувониб сўзлайди. Дилором Тожиева, Бусалма Умрзоқова, Норбуви Бобоева, Нодира Холмуродова, Озода Исроилова каби хотин-қизлар эса тўқувчилик, каштачилик, гиламчилик ва бошқа йўналишлардаги тадбиркорлик фаолияти билан маҳалла фаровонлигига муносиб улуш қўшишмоқда.

Оилаларга кириб борганимизда эса соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида олиб борилаётган хайрли ишларни кўрдик. Жиззах туманидаги Кулама қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 36-умумтаълим мактаби ўқувчиси Бунёдҷон Зоиржоновнинг ёғоч ўймакорлиги асосида дид билан ишлаган лаганлари, заргарлик буюмлари ҳамда пластик кар-



кулоччилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Оила бошлиғи Тўлқин ака тарихий обидаларни таъмирлашга мўлжалланган пишкў гишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Буюртма асосида уйлари замонавий иситиш мосламалари (печкалар) билан безайди. Уй бекаси Маҳбуба опа эса мазкур мосламалар учун бежирим безаклар ясайди. Яна бир қизи Дилфуза расом, кенжа фарзанди — ўн ёшли Алишер ҳам кулолчилик намуналари асосида жажжигина буюмларни ясамоқда.

Жиззах шаҳридаги “Олмазор” маҳалласида ўзига хос бир янгиликка дуч келдик.

— Тўй кунини келинчақларнинг ҳар бирига маҳалламиздаги фахрийлар, нуруний отахон ва онахонлар номидан маънавий-маърифий, бадий китоблар тўпламини совға қиламиз, — дейди **маҳалла маслаҳатчиси Офтобой Нишоннова**. — Бу китоблар келинчақларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Оиладаги масъулияти ошишида ёрдам беради. Оиласидаги гапни кўчага олиб чиқишдан олдин нуруний отахон ва онахонлар олдида бурчли эканини ўйлайди. Ана шундай хайрли ният билан шу ишни йўлга қўйдик. Ҳозиргача ўндан ортиқ ёш оилаларга турли китоблар тўпла-

фаробод туманига қарашли “Зафаробод” шаҳарчасида Я.Холматова, Ғаллаорол туманидаги “Ғ.Ғуллом” номли маҳаллада Д.Исломова, Баҳамал тумани ўсмаат шаҳарчасида З.Ўрозова каби тадбиркорларимиз томонидан қиймати 10, 20, 40 млн., сўмлик лойиҳалар асосида бир неча “Гўзаллик салони” ишга туширилди ва 15 нафар хотин-қизларимиз иш билан таъминланди. Зомин туманидаги “Каттабоғ” маҳалласида истиқомат қилаётган Салима Мухторова лойиҳа қиймати 55,0 млн. сўмлик тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Ўрта махсус касб-хунар таълими ҳамда Марказий банкнинг вилоят бошқармалари, ЎзЛиДеП вилоят кенгаши ва вилоят «Қалб нури» аёллар маркази, “Ифатли келин” НТМ билан ҳамкорликда 50 нафар хотин-қизларга тикувчилик, сартарошлик ва пазандачилик бўйича бепул хунар ўргатилди. Улар учун Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг “Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилган вилоят “Аёллар тадбиркорлиги” ахборот-маслаҳат гуруҳи тренерлари ҳамда “Микрокредитбанк ОАТБ” вилоят филиали мутахассислари томонидан тадбиркорлик асослари, бизнес режа тузиш ва кредит олиш тар-

жойлар, «Ором» фавворалар мажмуаси, унинг атрофида 48 та ёш оилаларга мўлжалланган, Мустақиллик кўчасида 98 та хонадон учун 2-3 хонали 30 та уйнинг қуриб битказилиш арафасида тургани кўзларни қувонтиради. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлиги ва турмуш шароитини яхшилаш йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлардан бир намуна ҳолос.

— Бундай шариит, имтиёз ва имкониятлар ҳаётимизга фаровонлик ва янгилинишлар олиб кирмоқда, — дейди **“Қизил ярим ой” жамиятининг Жиззах шаҳар бўлими ижрочи директори Матлуба Абдусатторовва**. — Бугунги одамларнинг турмуш шароити, яшаш тарзи, дунёқароши кечаги кундан тубдан фарқ қилади. Биз эртанги кун учун яратилаётган улуг тарихга шохид бўлиб турибмиз. Бундай муҳим паллада ҳар биримиз улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда юртимиз равнақида ҳисса қўшимиз шарт. Халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган бундай савобли ишларга жавобан бугуннинг оналари уйғоқ қалби, сергайрат, сершиддат бўлсаларгина энг улуг туйғу — ватанпарварликни фарзандларимиз онгига сингдира оламиз.

Сафаримиз давомида бир-биридан зукко, муниса ва ишбилғич хотин-қизлар билан суҳбатлашдик. Энг улуг, энг азиз байрамимиз Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллик шодиеъларини муносиб қутиб олиш учун юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган бу аёлларнинг бири миришкор дехқон, бири хунарманд, бири маҳоратли шифокор, меҳрибон муаллима, яна бири тиниб-тинчимас маслаҳатчи, қўйинги, барча соҳаларда бе-назир улар...

Бу жозибали гўшада кўрганларимиздан кўра, бугун айтганларимиз камроқ бўлди. Насиб этса, жиззахлик хотин-қизлар фаолияти ҳақида хали кўп ва хўп ёзишимиз кераклигини дилдан англадик.

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Райхон УЛЕСЕНОВА:

АЁЛНИНГ УЛУҒЛИГИ УНИНГ ҚАЛБИДА

“Опа-сингиллар”, “Муҳаббат фасли”, “Онагинам орзуси”, “Ҳақиқат куни”, “Қисмат битиги”, “Алданган аёл”, “Таҳдид” каби миллий телесериаллар ва кинофильмлардаги образлари орқали мухлислар меҳрини қозониб келаётган актриса Райхон Улесенова Марк Вайль номидаги “Илҳом” театрида фаолият юритади. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг магистратура бўлимини тугатган. Оилали, ўгли Азизбек 10 ёшда, қизи Моҳи-нур бу йил биринчи синфга қадам қўяди. Турмуш ўртоғи Ёдгор Улесенов “General Motors” компаниясида хизмат қилади.

— Райхон, ҳар бир инсоннинг иқтидори шаклланишида оила муҳитининг ўрни бекиёс. Сухбатимиз аввалида ота-онангиз, оилангиз ва фарзандларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Дадам Ориф Шаҳобидинов (охиратлари обод бўлсин) А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият) институтида “Саҳна нуқти”, “Саҳна ҳаракати” фанларидан дарс берганлар. Онам Раҳимахон Шаҳобиддинова ҳам олий маълумотли. Санъатни жуда қадрлайди. Биз ҳам болалигимиздан санъатга меҳр кўйдик. Дадамни Намангандаги Маданият ва оқартув техникумига ишга юборишганида мен қирқ кунлик чақалоқ эканман. Ота-онам бизни санъатга бўлган қизиқишимиз, келажагимизни ўйлаб, мен беш, укам тўрт ёшга етганимизда яна пойтахтга қайтиб келишган.

Мактабни тамомлаб, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият (собиқ Маннон Уйғур номидаги Санъат) институтига ўқишга кирдим. Ушанда дадам: “Ўзинг ишлаб, шартнома тўловини тўласанг, касбининг қадрига етасан”, деганди. Дарсдан кейин телевидениега бориб кўрсатувлар тайёрладим, театрга ишга кирдим. Кейин билсам, дадам ҳаётда мустақил яшашга ўрганишим учун шундай йўл тутган эканлар.

Мен ҳам ўғлим билан қизимнинг қизиқишларига қараб, инглиз тили, бадиий гимнастика, актёрлик маҳорати тўғрали, сузиш хавзаларига олиб бораман. Баъзида ишларим кўпайиб, вақтим тигиз бўлиб, чарчаб кетдим, деб нолисам, онам: “Болаларингни касбга йўналтириш учун оғринмагин, чунки ҳозир эккан ниҳолларинг ҳосилини катта бўлганида кўрасан”, деб танбех беради. Фарзандларим санъат соҳасини танлаётганларидан баъзида хавотирга тушаман. Чунки бу жаҳоннинг ноини ейиш учун жуда кўп меҳнат қилиш, билим олиш зарур. Дадаси иккимиз уларни ўз билими, маҳоратига ишондиган, мустақил инсонлар этиб тарбиялашга ҳаракат қилаймиз.

— Кейинги пайтда айрим давраларда: “Инсон ҳаётга бир марта келади, ўзи учун яшаб қолиши керак”, деган гап кулоққа чалина бошлади. Бу фикр-



га сиз қандай муносабат билдирган бўлардингиз?

— Бу шиор кўпроқ “оммавий маданият” нинг бўлар бўлмас қоидаларини ўз ҳаёт тарзига кўлашга уринаётган одамларга хос деб ўйлайман, яъни гарбона яшаш қонуниятларига мос. Уларда болалари балоғат ёшига етиши билан нима қилса ҳам ўзини ўзи эпласин, деган ақида мавжуд. Бизнинг одамларимиз эса бировнинг ҳаёти ва муаммоларига томошабон бўлиб, бефарқ қараб тура олмайдиган халқ. Атрофдагиларга ҳамдард, маҳаллақўй, қўни-қўшининг яхши-ёмон кунларида тиргак бўлиш каби фазилатлар бизга ота-боболаримиздан ўтган. Мен ҳам қўлимдан келганича атрофимдагиларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Аммо ҳеч қачон эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларга аралашмайман. Оилавий муаммони эр-хотин, оила аъзолари, яъни фарзандлар биргаликда ўзаро ҳал қилишлари керак. Айрим ота-оналар баъзан қизиққонлик қилиб, ўз фарзандининг ҳаётига керагидан ортик аралашилари натижасида ёш оилалар бузилиб кетади. Менимча қайнона-қайнота, ота-оналар томонидан имконият берилиши зарур.

Ўзимга келсам, турмуш ўртоғим билан тўрт йил учрашиб, бир-биримизни обдон синашиб, сўнг турмуш қурган бўлсак-да, тўйдан сўнг айрим тушунмовчиликлар ҳам бўлиб ўтган. Лекин ўртамаизга на қайнона-қайнотам, на ота-онам аралашган, бизнинг ўзимиз тил топишганмиз. Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, мана, 11 йилдан бери бир-биримизни тушу-

ниб, суяниб яшапмиз.

— Режиссёр Ҳилол Насимовнинг “Алданган аёл” фильмидаги Моҳиранинг тақдирига ўхшаш аёлларга дуч келиб қолсангиз, қандай йўл тутасиз?

— Моҳира ва у каби аёлларнинг қисмати нақадар азобли эканини суратга тушиш жараёнида юрагимдан ўтказдим. Афсуски, ҳаётда энгил-елпи турмушни кўзловчилар ҳам борлиги мени ўйлантиради. Атрофимда кимдир билиб-билмай хато қилаётганини сезсам, албатта ўз ёрдамим ва маслаҳатимни аямайман. Аёлга нисбатан бирор ноҳақлик қилинаётган жойдан эса индамай ўтиб кетолмайман, муносабатимни билдираман. Менинг назаримда, аёлнинг улуғлиги унинг қалби, кўнгил дунёси билан ўлчанади.

— Санъаткор аёл учун оиладаги мувозанатни сақлаш қийин эмасми?

— Уйда эркак бош бўлса, аёл бўйин, деган гап бежизга айтилмаган. Аёл яхши томонга бурилса, эркакнинг ишлари юришиб, омади чопади, ёмон тарафга бурилишдан эса худойим асрасин. Шунинг учун салгина камтароқ ва сабрли бўлишимиз, ўрни келганда бир гапдан қолишимиз зарур. Ўз ҳаётим мисолида айтадиган бўлсам, айрим пайтларда кечаси тасвирга олиш майдончасига боришимга тўғри келади. Турмуш ўртоғим, қайнона-қайнотам мени тўғри тушунишади, аммо қўни-қўшинлардан андиша қиламан. Кимдир тасвирга олиш майдончасидан келаётганимни билади. Бошқа биров шу пайтда Райхон қаердан келяпти экан, деб ўйлаши табиий. Бундай кунларда эрталаб туриш қийин-

роқ бўлади. Шунга қарамай, болаларимни мактабга, турмуш ўртоғимни ишга кузатишга ҳаракат қиламан. Қўни-қўшинчилик муносабатларига ҳам вақт топаман.

— Санъаткорлар сершовкин давраларда, ҳаманинг эътиборида бўлишни хуш кўришади. Бугун рекламасиз санъат соҳасида бирор натижага эришиш мушкулми?

— Рекламага ружу қўйиш, менимча, кўпроқ чет эллардаги санъаткорларга хос одат бўлса керак. Улар одамларнинг эътиборини қозониш учун зарур бўлса, ўз ҳаёт тарзини ҳам овоза қилишни маъқул кўришади. Бу ишлар бизнинг эътиборини қозониш учун зарур бўлса, ўз ҳаёт тарзини менталитетимизга ёт. Шов-шув, гап-сўз қанча кам бўлса, шунча хотиржам яшаймиз, оиламиз тинч бўлади. Айниқса, актрисалар ҳар бир қадамини ўйлаб босиши, хатти-ҳаракатларини назорат қилишлари зарур. Чунки бугунги ёшлар айнан биздан иборат олишга интилишади. Ҳозирги пайтда интернетнинг турли ижтимоий сайтларида суратларини реклама қилиб, шов-шувларга эришаётган санъаткорлар ҳам йўқ эмас. Бундай шов-шухрат вақтинчалик овозалардан бошқа нарса эмас. Томошабиннинг ишончини сохта реклама билан қозониб бўлмайди.

— Миллий телесериаллар маиший, яъни, севги-муҳаббат, қайнона-келин муносабатларига оид мавзулар билан чекланиб қолаётгани ҳақида эътирозлар билдириляпти. Ахир ҳаёт мазмуни жуда кенг тушунчалардан иборат, тўғрими?

— Глобал муаммоларга қадамни майда мавзуларни олиб чиқишдан бошлаш керак, деб ҳисоблайман. Катта хатоларга учрамаслик учун кичикларини тузатиш керак. Одам ўз аксини экранда кўрганидан кейингина хатосини тушунади. Айнан ўша маиший мавзудаги телесериаллар туфайли бугунги кунда қайнона-келин муносабатлари анча яхшиланди, деб ўйлайман. Аммо бундай фильмларнинг керагидан ортик олиниши томошабинни экрандан узоқлаштириб қўяди. Бугунги томошабин савияси баланд, фалсафий, тарихий ва долзарб мавзулардаги фильмларни томоша қилишга эҳтиёж сезаяпти. Биз санъаткорлар, режиссёрлар фақатгина тижорат томонини ўйлаб эмас, мухлисларнинг фикрини, хоҳишини инобатга олиб ҳамжихатликда фильмлар яратишимиз керак.

Кўнглимнинг бир чекасида тарихий фильмларда халқимиз севган образларни яратсайдим, деган катта истак бор. Бугун кино санъатимиз ўзининг моддий техник базаси ва мавзу танлаш имкониятлари билан янги босқичга кўтарилиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб ишонманки, бундай ёруғ орзуларимиз албатта рўёбга чиқади.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Нигора РАҲМОНОВА
сўхбатлашди.



ЖУВОН – тилимизда эрга теккан ёш аёл маъносини англатган “жувон” сўзи аслида “ёш” маъносига “жавон” сўзининг ўзгарган шаклидир. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да бу икки сўзнинг бир-бирига яқинлиги таъкидланган.

Тўхта хола атрофга олазарак қараб турган эди, бир жувон келиб қолди.

Иброҳим Раҳим

ДўЛАНА – бу сўзнинг туб илдири “юмалоқ муз шаклидаги ёғин” маъносини англатган “дўл” сўзидир. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “дўл” сўзига “ўхшаш” маъносини ифодалайдиган “она” қўшимчасини қўйиш билан “дўлона” сўзи ҳосил бўлган. Бу сўз аслида “дўлга ўхшаш” деган маънони англатади.

Жондан кечмасанг, жонона қайда, Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда?
Мақол

ИСКАНДАР – адабиётшунос Суйима Фаниеванинг “Навоийнинг васияти” китобидаги изоҳи қўра, ривоятда шоҳ Искандарнинг онаси хомиладорлик даврида хасталаниб қолганда, уни “искандар” деган ўт билан доволашган ва шу муносабат билан бола туғилгач, уни шу ўт номи билан “Искандар” деб аташган. “Искандар” бизда “кашнич” дейилади.

Искандар савол этти Сукротдин, Ки: “Эй фард тафриту ифротдин, Буким ер юзига муҳит ўлди сув, Баён қилким, мушкулдурур бизга бу.”
Алишер Навоий
Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ҲАЛОЛИДАН БЕРСИН...

Ривоят қилишларича, бир савдогар бошқа шаҳарга сафар қилиш олдидан ҳаммомга борибди. Унинг катта савдогарлиги, пули кўплигини билиб юрган бир киши изидан тушибди. Ичкарига кирган савдогар тилла тўла ҳамёнини уйда қолдиришни унутиб, ўзи билан олиб келганини билиб, афсусланибди. Бунча пулни кимга ишониб қолдириш мумкин? Шунда у ўзи билан кетма-кет ҳаммомга кириб келган кишидан илтимос қилибди.

— Биродар, фаромушлик курсин, ўзим билан бирга ҳамёнимни ҳам ола келаверибман, агар малол келмаса, мен чикқунимча шу омонатни сизга ишонсам, дегандим.

— Бажонидил, — дебди ҳалиги кишигаям жон кириб, — Мен шу ерда сизни кутиб тураман.

Савдогар ичкаридагилардан ҳозиргина пихини ёрган ўғри ҳаммом ичкарида ўтирганини эшитиб, юрагига гулгула тушибди.

Шундай бўлса-да, дарров ташқарига чиқишга андиша қилибди ва шовилмабди. Хуллас, эшикка чиқиб қараса, ҳалиги киши ҳамёни маҳкам қўлга босганига эгасини кутиб ўтирган эмиш. Савдогар қувонганидан холис хизмат қилгани учун унга сидқидилдан раҳмат айтиб, яқинроқ танишмоқчи бўлибди.

— Мени Волид ўғри дейишади, — дебди ҳалиги киши, — бу музофотда мени билмайдиган одам йўқ. Сиз мусофирлигингиз боис мени танимадингиз. Ҳамёндаги тиллаларни олиб кетганимда-ку умримнинг охиригача етиб, ортиб қоларди, бироқ...

— Унда, нечун сизга инсоф берди? — қалтираб тилга кирибди савдогар, бойлиқдан умидини узди.

— Бироқ, сиз менга шу омонатни ишондим, дедингиз. Шу сўз мени бу қилмишдан қайтарди. Омонатга хиёнат дунёдаги энг оғир ва кечирилмас гуноҳдир. Олинг омонатингизни, — дея ўғри ташқарига чиқиб, йўлига ра-

вона бўлибди...

Омонатга хиёнат қилмоқлик ўғирликдан ҳам ёмон қилмиш эканлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳаром-ҳариш ишлар билан тирикчилик қилиб юрган ўғри ҳам бировнинг омонатидан кўрқар экан, доимо ҳалолликни одат қилган инсон бунга қанчалар масъулиятли бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳаётда ҳалол яшаш инсоннинг энг олийжаноб фази-

Тарбия сабоқлари



латларидан бири, ундай киши фарзандларини ҳам ҳалолликка ўргатади. Бундай меҳнатдан топилган озгина пулнинг кут-баракаси ҳаромдан келадиган кўп пулдан ортиқдир.

Қадимда ўзбекчиликда яхши бир одат бор. Кимнингдир йўлда тушириб қолдирилган пулини ердан олиб, қўлида кўтариб “бу кимники?” деб уч марта ҳамма эшитадиган овозда сўрар экан. Ҳеч кимдан садо чикмаса, эгаси қидириб келар, деган андиша билан четроққа кўринарли жойга қўйиб кетар экан. Мабодо у пулни ҳеч ким излаб келмаса, дарҳол ўша пулни қозихонага ёки маҷитга топширар экан, чунки пул йўқотган одам ё қозихонага, ё маҷитга бориб суриштириши одат тусига кирган экан-да.

Аждодларимиз ана шундай ҳалолу

пок, бировнинг ҳақидан ҳазар қилувчи, вужудлари ҳалоллик билан йўғрилган кишилар бўлган. Улар бу одатларни ўз фарзандлари, набира-лари, ён-атрофдаги ёш-ялангларга ҳам сингдира олганлар.

Бировнинг моли бошқа бировга вафо қилмаслиги, ҳаром мол кишига сингмаслиги, аксинча, бир неча баробар бўлиб бошқа харажат сифатида чиқиб кетиши ҳақида кўп уқтиришган. Чунки бу фикрлар ҳаётда доим тасдиғини топади.

Фарзандларни ёшлигидан бошлаб ҳалолу покликка ўргатишда ота-оналарнинг роли жуда катта. Озми-кўпми ўз пешона тери эвазига топган маблағига қаноат қилиб яшаган хонадонда вояга етётган фарзандлар ҳеч қачон ёмон йўлга кириб кетмайдилар. Оилавий тарбияда аёлларнинг хушёр бўлмоғи муҳимдир. Боласининг ҳар бир қилган хатти-ҳаракатини кузатиб, босган қадамидан хабардор бўлиб, бировнинг атиғи битта ўйинчоғини ҳам сўрмай олиб келишига йўл қўймас, бола бошқаларнинг нарчасига кўз олайтирмайдиган бўлиб ўсади ва, муҳими, бу унда бир фазилат бўлиб шаклланади.

Халқимизда ҳаром ейишга ўрганиш, яъни ҳаромхўрлик тухум ўғирлашдан бошланади, деган гап беҳиз айтилмаган. Олдинига кичкина нарса-ку, деб бировнинг уйдан тухум ўғирлаган бола бу айби учун ота-онасидан танбех олмаса, эрта-индин товук ўғирлашга, кейинчалик қимматбаҳо нарсаларни ўмаришга ўрганади. Ҳар бир нарсада, тарбияда ҳам илк қадамлар тўғри қўйилса, кейинчалик ҳаётда ҳам ҳамиша тўғри йўлдан юрилади.

Ойша ТҶРАЕВА,
профессор.

Қатрала

ҚАЙНОНА

У келинни қисган, қиз бўлолмадинг деб эзган, келин шўрлик тушкунликка тушиб, ҳамма нарсадан безган.

Аслида унинг ўзи ҳам қайноналиқдан нарига ўтмагани, келинига меҳрини тутмагани — оналик қилмагани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

МУРАББО

Онанинг қизи фарзанд кўрди. Куёви чет элга ишлашга кетган, пулдан дарак йўқ. Тансиқ таомни кўрса, қорни оч бўлсаям иштаҳаси бўғилади — қизига илинади. Оғзида чайнаб турган лўқмасини ютишга қийналади — қизига илинади. Ҳадди бўлсинки, келиннинг рўзғоридан бир чимдим гўшт олиб қизига юборсин.

Олволи мураббо егиси келибди қизининг. Онанинг икки хаёли олволи мураббо бўлди-қолди. Келинидан сўраса, гап кўпаяди, боғчага кетишини пойлаб ертўлага тушди: кичкинагина банкага мураббо солган, келини сезиб қолишни ўйлаб, қайноқ сув қўшиб камайган мураббонинг ўрнини тўлдириди.

Банкани олиб чиқаётганида... Рўпарасида келини пайдо бўлди... Кўрқанидан қўлидан банка тушиб чил-чил синди. Ҳаммаёқ мураббо бўлди. Ранги доқадай оқарди, қўллари қалтиради, уят ва номусдан ўзини қўйишга жой тополмади.

“Ўзимга айтсангиз ҳам олиб берардим”.

У келинидан бу гапни кутмаганди. Афтидан боласи учун қўйни ўғри, қўнжи ўғри бўлган онаизорнинг ҳолати қурумсоқ келинни ҳам эритиб юборди. Она йиғлаб юборди...

Лола ҲРОҚОВА

Мулоҳаза

ҚИЗИНГИЗ ҲАЛИ ЁШ-КУ!

Ақсарият ота-оналар вояга етган ўғил-қизларини уйлантириш ёхуд узатишга кўпма шошилишмасе-да, айримлари турли хил баҳоналарни рўқач қилиб, бу борада хатоликка йўл қўйганларидан кейингина афсус чекиб юришади.

Хуллас, “тениг чиқса, текин бер” қабиллида иш тутган бир оила коллежнинг 3-босқичида ўқийдиган қизни турмушга узатишди. Ота-онаси унинг “Ҳали ёшман, ўқишим керак-ку”, дея ялинишларига ҳам қулоқ солиб ўтиришмади. “Бахтинг очилгани шу-да, қизим, бунақа бадавлат жойдан ҳамиша ҳам совчи чиқавермайди, дарҳол рози бўлгин”, дея амма-холалари ўртага олишди. Охири у ҳам розилик берди. Ҳаш-паш дегунча онаси орзулаганидек дабдабали тўй ҳам бўлиб ўтди.

Орадан ўн беш кунча ўтгач, гуруҳ раҳбари ўша қизни ўқишга чақиртирибди. “Менга ўқишининг ҳолати йўқ, ҳали рўзғор юмушларини эплаб олса ҳам катта гап”, дея қайнонаси унинг дарсларни давом эттиришига кўнмабди. Муаллим: “Ўзи шундоғам ўқишдан анча қолиб кетди-ку, на чора, энди унинг ота-онасига ноқонуний иш тутгани учун тегишли чора кўрилади”, деб оғохлантирибди.

Ўша қизни кўчада учратиб қолдим. У яқинда фарзанд кутаётганини айтди. Гулдек юзлари анча сўлгин кўринди. “Хайрият, ўқиш-ням бир амаллаб битирдим, энди ҳомилдорлик қийин кечаяпти. Шифокорлар ёш турмушга чиққансиз, дейишди. Очиғи, қийналяпман. Бу ёқда қайнонам ҳам ҳар нарсда кистовга олгани олган”, деб афсусланди. У менга хавас билан қараётгани шундоққина кўри-ниб турарди. “Сизга мазаза, эркин қушдайсиз, хоҳласангиз ўқий-сиз, хоҳласангиз ишлайсиз, асосийси, яхшигина билим олдингиз, мен эса икки йўл орасида овораман”, деди чуқур хўрсиниб.

У билан хайрлашдимму барибир унга раҳиман келди. Негаки, унинг ота-онаси узокни кўролмади, энди вояга етиш оstonасида турган қизларини кўра-била туриб, ҳали оила юмушларига тайёр бўлмаса-да, қийноққа солишди. Бундай, узокни кўра билмаслик, шовқалоқлик оқибати яхшилик билан тугамайди.

Гулбаданбегим МАМАТХОНОВА,
Марғилон академик лицейи ўқувчиси.

Биласизми?

САРИШТА БЕКАЛАРГА КЎМАКЧИ

Чангютгич хонадонлардаги гиламлар, диван, стол-стулларга “ўтириб” қолган ҳар қандай чангларни, кўз илғамас микробларни яхши тозалайди. Унинг чангйўқичлари икки хил бўлади. Биринчиси кўп марта ишлатиладиган мато ёки бир марталик қоғоз халталардан иборат, иккинчиси эса махсус пластик идиш кўринишида ишлаб чиқарилади. Қоғоз халтали чангйўқичлар гигиена жиҳатидан яхшироқ, бироқ, уларни ишлатиб бўлгач, чангютгичга мосини топиш мушкул. Пластик идишли чангйўқич ўрнатилган чангютгичлар қимматроқ бўлса-да, узок вақт беминнат хизмат қилади.

Ҳозир дўконларда сувли фильтрлар билан ишловчи чангютгичларни ҳам учратиш мумкин. Уларни ишлатиб бўлгач, ифлосланган сувни тўкиб, ҳар сафар идишини ювиб, қуритишга тўғри келади. Филтрли чангютгичларнинг афзаллиги шундаки, тозалангач, ускунада ҳатто кўз илғамас чанглар ҳам қолмайди.

Курси ва диванлар ости, мебеллар орасини махсус чўткалар билан тозалаш керак. Шунинг учун чангюткич олаётганда ундаги чўткалар тўплами қанча кўп бўлса, шунча яхши. Бундан ташқари, чангюткич найларининг металлдан ишлангани, пластиклидиган кўпроқ хизмат қилади.

Чангюткичларнинг ювувчи, супурувчи турлари ҳам маъжуд бўлиб, ювувчи чангюткичлар қуруқ тозаловчиларидан кўра каттароқ ва оғирроқ бўлади. Чунки уларга 10 литрча сув солишга тўғри келади. Ушбу турдаги чангюткичлар қуруқ тозалаш учун ҳам мўлжалланган. Бунинг учун керакли тугмани босиш кифоя. Бундай ускуналар қуруқ тозаловчиларидан кўра кўпроқ шовкин чиқаради ҳамда у билан намлигини “ёқтирмайдиган” табиий толалардан тўқилган “пахмоқ” гиламларни тозалаб бўлмайди.

Чангюткичнинг қувват сифими қанчалик юқори бўлса, ишлаш самарадорлиги ҳам шунча яхши бўлади. Бугунги кунда, ҳатто, арзан чангюткичларнинг қувват сифими 1300-1400 ваттдан юқори.

Майда чанг ва микроорганизмларнинг чангюткичда қолиб, ҳар сафар ёқилганида ҳаво оқими уни ташқарига чиқариб юборишини ҳисобга олган ҳолда унинг филтрлаш хусусиятига жиддий эътибор қаратиш лозим. Ақсарият чангюткичларда иккитадан кам филтр бўлмайди. Сўнгги йилларда антибактериал, хушбўй ва антиаллерген филтрлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. “С” синфига мансуб филтрлар ҳавони ўрта заррали чанглардан 99,7 фоизга тозалайди. “НЕРА” филтрлари эса барча ўрта катталиқдаги чанг зарраларини ушлаб қолиб, микроскопик чангларнинг 85 фоизини ҳам қайтиб чиқишига йўл қўймайди. Шундай бўлса-да, мутахассислар чангюткич-ни фақат филтрига қараб танлаш тасвия қилишмайди. Чунки тозалаш даражаси кўплаб бошқа параметрларга ҳам боғлиқ.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.






СУВ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Ҳар лаҳзада инсон учун "хаёт-мамот" масаласини ҳал қила олиш даражасидаги, лекин кимё тили билан айтганда, оддийгина **модда** деб аталувчи СУВ ҳақида нималарни билемиз ўзи? Тўғри, Ер шарига сувнинг қандай пайдо бўлганлиги бир неча юз йиллар давомида инсоният учун сир бўлиб келган. XIX асргача одамлар уни оддий кимёвий бирикма деб ўйлашган. Кейинчалик унга модда сифатида "H₂O" деб ном беришди. 1932 йилда эса бутун дунёга кутилмаган бир хабар тарқалди: Оддий сувдан ташқари табиатда оғир сув ҳам мавжуд экан! Бугун ҳеч кимга сир эмаски, сувнинг 135 та изотопли хиллари бор. Хуллас, сув биз ўйлаганчалик "оддийгина" эмас, аксинча, ниҳоятда гаройиб хусусиятга эгадир.

Биламизки, қатор моддалар музлатилса, сиқилади, сув эса, аксинча, кенгайди ва аксариятининг музлатилган пайтда суюқлик ҳолатига кўра зичлиги баланд бўлади, сувни қили пастлиги аниқланган. Энг қизиғи, сувнинг битта зарраси ҳам исталган элементни эритиш қудратига эга ва қиздирилган ҳолатида... Темир моддасига қиёсланганда ўн баравар кўпроқ энергия талаб қилишини тасаввур этиш мумкинми?

Мутахассислар фикрича, вояга етган инсон танасининг 65 фоизга яқини сувдан иборат бўлиб, шундан мабодо организмда сув миқдори бор-йўғи 5 фоиз камайса ҳам юрак-



ка юк тушиб, тана ҳарорати кескин кўтарилади ва шошилиш чора кўрилмаса, оқибати яхшилик билан тугамайди. Ёки сутнинг 70, гўшнинг 50-65, ноннинг эса 35 фоизи сувдан иборат эканлиги келтирилади.

Ер шарининг 97 фоиз суви океан ва денгизлар ҳисобига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, бор-йўғи уч фоизгинаси ҳудудларда! Ва биз ичимлик суви, дея олиш даражасидагиси бугунги кунда неча фоизни ташкил этишини ҳеч ким айтиб бера олмайдди. Негаки, ана шу уч фоизнинг қанчаси ичишга яроқли, бу ҳам жиддий муаммо. Умуман олганда, ўз соғлигини ўйлайдиган ҳар бир одам чанқоғимни босади, дея кўзига кўринган сувни ичавериши бу мутлақо зарур.

Бизнинг сувга бўлган кунлик эҳтиёж нормамиз 1,5 литрдан кам бўлмашлиғи керак. Бу дегани фақат жазирама ёздагина эмас, аксинча, тўрт фаслда ҳам шу миқдордан озаймаслиғи зарур. Аммо унутмайликки, қандай суви ичиш керак, қай бирини ичмаслики ҳар бир одам ўзи аниқ англаб етмоғи лозим.

Моҳинур КОДИРОВА
тайёрлади.



САВОБТАЛАБ АЁЛ БЎЛСА...

— Аёлим оламдан ўтганига етти йил бўлди. Уч қизимни уза-тиб, уйли-жойли қилдим. Кенжа қизим оиласи билан бизни кичиб келди. Куёвим барака топсин, мени ўз отасидек кўриб, кўнглимга қарайди. Невараларим атрофимда парвона. Фарзандларимнинг бахту камолидан мамнунман, лекин...

— **Ёлғизлик қийнапти демоқчисиз-да, шундайми?**

— Тўппа-тўғри, синглим, эрталаб қизим билан куёвим ишга, неваралар ўқишга кетишади. Мен эса маҳалла гузарига чиқаман. Кун бўйи чойхонада кўни-кўшнилари, ўтган-кетганлар билан гаплашиб вақт ўтказаман. Кечқурун уйга қайтиб, бир пас неваралар билан андармон бўламан, ва ётишдан аввал юрагим сиқила бошлайди. Ўз хонамга кираман, тамом, уйкум қочади. Кексаликнинг ўзига яраша инжиқликлари бўларкан, гоҳида мазама қочади, бир пиёлагина иссиқ чой ингим келади. Ухлаётган болаларимни безовта қилишга кўзим қиймайди. Шундай пайтларда ёнимда бир меҳрибон аёл бўлса, деган хаёл кўнглимдан ўтади. Яқинда қизларим маслаҳатлашиб, мени уйлантирмоқчи эканликларини айтишди. Агар савобталаб аёл топилса, қизим билан куёвим ўз ховлисига кичиб ўтишаркан. **Ёшим 64 да.** 55-60 ёшгача бўлган, фарзандларидан тинган аёл бўлса, хабар берсангизлар.

ШОКИР ота,
Тошкент вилояти.

СИНОВЛИ ДУНЁ БУ

Минг бора узр, мен сизларга дардимни айтсам, қулғули албатта. Ҳар кимнинг бошида ҳар хил савдо бўларкан. Эрим билан қонуний ажрашганимиздан сўнг, икки боламни ўзим тарбиялаб вояга етказдим, ўқитдим. Уғлимни уйлантиргач, унга ҳам алоҳида уй-жой қилиб бердим. Ҳозир 25 яшар қизим билан бирга яшаймиз. Уни сўраб-суриштириб келаётган совчилар кўп, аммо қизим тушмагур, аввал сизни тенгингизни топайлик, сўнг ўзим турмушга чиқаман, деб оёқ тираб туриб олган. Мени деб вақтинги ўтказиб, бахтинги бой берма десам, сиз бизни деб, умрингизни ёлғизликда ўтказдингиз-ку, энди сизни ёлғиз қолишингизга йўл қўймаймиз, дейди. Қизимнинг ундови билан сизларга мурожаат қиялпман. **Ёшим 51 да.** Уғлига келин, ўзига турмуш ўртоқ излаб юрган инсон бўлса тахририятдан манзилимизни олишлари мумкин.

ГУЛСАНАМ,
Андижон вилояти.

НОШУДЛИГИ ПАНД БЕРДИ

Қизим Наргиза магистратурани ҳам тамомлаб, нуфузли бир корхонага ишга жойлашди. Уни ўзи ёқтирган Нормурод исми йигитга турмушга узатдик. Тўйдан сўнг куёвим иккиси бир жойда ишлай бошлашди. Уларнинг товулигига кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Аммо Наргизанинг эридан ажрашиб, уйга қайтиб келган қайнопаси укасига қизимни ёмонлайвериб, ораларига совуқчилик туширди. Нормурод опасининг гапига кириб, ишдан бўшади ва хорижга жўнаб кетди. Бу орада қизим маошини тежаб ишлатиб, икки боласини тарбиялади, уй-жой курди. Шу орада ношуд куёвимиз омади чопмай, бир тийинсиз қайтиб келди. Шундан кейин ҳам қизимнинг оиласида тинчлик бўлмади. Бадгумон опасининг қизим ҳақидаги тухматларига ишонган куёвимиз уни бўлар-бўлмасга рашк қилавериб, ҳатто қўл кўтарадиган одат чикарди. Бу ҳам етмагандек, ё ишини танлайсан, ё оилани, деб шарт қўйди. Қизим фарзандлари тақдирини кўзлаб, ишидан воз кечишга мажбур бўлди. Аммо ҳеч қаерда ишламайдиган, бирор касб-хунарнинг бошини тутмаган куёвимиз рўзгор учун бир сўм пул топа олмасди. Охири болалари яшаб турган уйни сотишга харидор етаклаб келгач, қизим бундай калтабин эр билан ажрашишга қарор қилди. Ҳозир яна ишига қайтди. Наргизанинг ёши **32 да.** Бир ўғил, бир қизчаси бор. Уй-жойи ўзига етарли, касб-кори тайин, фарзандларига оталик меҳрини бера оладиган инсонни кутаялпман.

ЖУМАГУЛ,
Тошкент шаҳри.

ХАТОЛАРИМНИ ТУЗАТМОҚЧИМАН

Исми Акмал. **Ёшим 28 да.** Ширингина оилам бор эди. Аёлим билан аҳил яшардик. Аммо ҳой-ҳавасга берилган оғайнимнинг йўлидан бориб, енгил ҳаётга ружу қўйдим. Топганимни кўча-қўйда, машағатга сарфладим. Нафсининг қулига айланиб, ўзимдан беш ёш катта, енгилтабиат аёл билан танишдим-у, гулдек оиламни бой бердим. Ҳатто ота-онам ҳам мени бу йўлдан қайтара олишмади. "Саёқ юрган, таёқ ейди", деб бежиз айтишмаган экан. Кейин билсам, Салтанатнинг мендан бошқа ҳам жазманлари кўп экан. Ота-онам бу қилмишимни кечирди. Аммо хокисоргина рафиқам Назокат билан аллақачон ажрашиб кетгандик. Яқинда ота-онаси уни яхши бир оиланинг фарзандига узатишди. Ўз тенгини топди. Билмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини, деган мақол менга ўхшаганлар учун эканига ақлим етиб, кўзим очилди. Охирини ўйламай қилган ишимдан пушаймонман. Узим каби ҳаётда адашиб, тўғри йўл тополмай юрган аёл бўлса уйланимқочиман. У билан танишиб, чиройли оила қуриб, ўтмишдаги хатоларимни тузатиш ниятиданман.

АКМАЛ,
Бухоро вилояти.

ЯХШИ ХАБАРЛАР КУТАЯПМИЗ

Фарғонадан кўнғироқ қиялпман. Исми Ҳақимжон ота. Қизим Мавлуданинг ёши **41 да.** Кишлоқ врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишлайди. Уни 21 ёшида турмушга узатгандик. Орадан уч йил ўтиб, фарзанд кўрди, аммо неварамиз кўп ўтмай нобуд бўлди. Шундан сўнг унга оналик бахти насиб қилмади. Турмуш ўртоғи билан қонуний ажралишгач, бошқа оила қуришни истамади. Қизим энди турмушга чиқишдан умидини узиб қўйганди. "Бахтли бўлинг" саҳифасида чоп этилган, "Бир меҳрибон аёл керак" номли мақола муаллифи Тошкент вилоятида яшовчи 45 ёшли Ҳамидуллонинг тақдирини ҳақида ўқиб, тахририятдан телефон рақамини олгандик. Қизим унинг тўрт нафар гўдақларига ўз оналик меҳрини беришга тайёр. Афсус, бир ҳафтадан бери унга кўнғироқ қилиб, боғлана олмапмиз. Балки рақамини ўзгартирган бўлса, биз беҳабар қолгандирмиз, деб яна сизларни безовта қилаялпмиз.

...Ҳақим отанинг мурожаатидан сўнг Ҳамидуллонинг хужжатларида ёзилган рақам бўйича кўнғироқ қилдик, аммо у билан боғланишнинг сира иложи бўлмади. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, унинг ўзи тахририятга кўнғироқ қилиб, телефонини йўқотиб қўйгани сабабли бошқа рақам олгани ҳақида бизни оғохлантирди. У билан танишиш истагини билдирган Мавлуданинг телефон рақамини Ҳамидуллога бердик. Айни кунларда биз улардан хушхабар кутаялпмиз.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ГУЛ ИФОРИ

Аёл — гўзаллик тимсоли. Шарқ аёли азалдан нафақат зоҳирий, шу билан бирга ботиний гўзалликни ҳам ўзида муҷассам этгани билан беқийс таърифланади.

Бирок... Тилларда дoston бўларлик ана шундай ботиний гўзаллик — ибo-

ҳаё, андиша, одоб-ахлоқ тушунчалари айрим кизлар наздида бироз хиралашгандай, назаримда. Албатта, хотин-кизлар табиатини зебу-зийнатга, чиройли либосларга иштиёқ-манд бўлишади. Аслида бунинг ҳеч бир ёмон жиҳати йўқ, янада гўзал бўлиш, яқин инсоннинг кўз олдида соғлом ва чиройли, латофатли бўлиб юриш истагида шунга интилишади. Аммо бу истаққа етмоқ орийат, ҳаё каби бебаҳо хислатларнинг камайиши эвазига бўлмаслиги лозим. Қолаверса, гўзаллик аёл кишининг ягона фазилатигина эмас.

...Ишдан қайтаётиб йўл-йўлакай бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим, бундан беҳад таъсирландим: 17-18 ёшлар чамасидаги икки қиз мендан олдинроқда сўзлашиб борарди. Улардан бири "энг замонавий урф"да кийинган дугонасига мақтаняпти: "Кеча уйимизга совчилар келишувди, оймимга айтдим: агар чет элнинг мебелидан олиб берсангиз, ўша топган куёвингизга тегаман, дедим, оймим бирам қувониб кетдиким..."


Ажабланарлиси, қиз атрофдагилардан ҳеч бир истиҳола қилмас, ак-

синча, ўз сўзларидан мағрурланиб, овозини баралла қўйганча гапираётган эди.

Миллий қадриятларимизга назар солсак, балоғат ёшидаги қизлар ота-онасига бундай гапларни айтишдан тортинишган, ҳаё қилишган, ота-оналар сеп учун нима олиб беришса, шунга рози бўлиб, турмушга чиқилган. Унаштирилган, тўйи бўлиш арафасида турган қизлар отаси, акаларининг юзига боқибдан уялган. Ҳомиладор аёллар ҳам ўзларини сипо туттишган.

Шу ўринда сал чуқурроқ мулоҳаза юритсак. Юқоридagi мисолда мени ажаблантирган нарса, ўша қизнинг ҳаёлида бундай фикрлар қаердан пайдо бўлди экан? Бизнингча, оиладаги маънавий муҳит таъсирида, десак янглишмай-миз. Демак, ўша оилада қимматбахо мебеллар-у, тилла тақинчоқлар тўғрисида кўп гапирилади. Қиз мол-дунё барча нарсадан устун, деб қараладиган муҳитда тарбия топган кўринади.

Қиз болани гулзордаги энг гўзал, нозик гулга қийс этишади. Табиийки, бу гул чамандек очилиб, ўзидан хушбўй ифторлар таратиши, кишиларнинг кўзи-ю қалбини қувонтириши учун алоҳида парвариш, эътибор, тарбия зарур. Афсуски, айрим ота-оналар қиз тарбиясидек нозик масалага жиддий қарашмайди. Одатда, қиз



Ойна

бола кўпроқ онасидан "нусха" олади, унинг узидан юради. Баъзан оналарнинг ўзлари қизларига тескари намуна бўлиб қолишади. Ёш қизлар, содда қилиб айтганда, ҳали гўр, ҳамма нарсанинг ҳам фарқига боравермайди. Бироқ, хонадонларимиз бекалари бўлмиш оналар ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, турмушнинг баланд-пастини кўришган. Наҳотки, фарзандларнинг бахти фақат шу уч-тўрт хил матонинг қиймати-ю, чет элнинг мебелларига бориб тақалса?!

Балки орзу-ҳавас билан фарзандларига атаб келинлик либослари, кўвлик сарполари олишнинг ўзи ҳам ота-онага қувонч бағишлар. Аммо шугина билан қифояланиб, бутун ҳаракатларини буюм йиғишга қаратган, фарзандининг маънавияти, маърифатли инсон бўлишини ўйламаган киши қаттиқ янглишади. Аслида қиз боланинг, ота-оналар ўйлагандек, эрта-индин "борган жойида тиниб-тинчиб кетиши" учун ҳам тарбияли бўлиши, бирор бир хунарнинг бошини тутиши ёхуд қай бир мутахассисликни пухта эгаллашига ўз вақтида жиддий ёндашишга шарт. Биз катталар, ота-оналар уларнинг бахти учун шундай иш тутмоғимиз лозимки, токи мустакил ҳаётга, оила оstonасига қадам қўйган қизларимиздан кўнглимиз тўқ бўлсин. Бунинг учун ҳаётда ўз ўрнини топишига ҳам, рўзгорга ҳам қизларимизни тайёрлаб боришимиз, бунда ҳеч нарсани эътиборимиздан четда қолдириб қўймағимиз айтиш мумкин. Зеро, фарзандининг бахтиёр, кўнгли хотиржамликда яшамоғи ҳар бир ота-онанинг мақсад-муроди саналади.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА.
Андижон вилояти.



ТЕРМАМИЗ БУГУН МАЙДОНГА ТУШАДИ

Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бокуда Озарбайжонга қарши ўйин олдидан илк машғулотларини ўтказди.

Кеча Тошкент вақти билан 11:30да Боку шаҳрига етиб борган миллий терма жамоа делегацияси айти дамда Бокудаги «Badamdar» меҳмонхонасига жойлашган. Куннинг иккинчи ярмида, терма жамоа Бокудаги Озарбайжон Футбол Академиясининг машғулотлар базасида машқлар ўтказди.

Кеча иккала терма жамоа бош мураббийлари иштирокида матбуот анжумани уюштирилди.

Аввалроқ хабар берганимиздек, миллий терма жамоа бош мураббийи Миржалол Қосимов Бокуга 20 нафар футболчини олиб кетган.

Эслатиб ўтамиз, Озарбайжон ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви бугун «Bakcell Arena» стадионида бўлиб ўтади. Ўйин Тошкент вақти билан соат 21:00да бошланади.

АФСОНаВИЙ ЧЕМПИОНЛАР ШОУДА УЧРАШИШДИ

Профессионал боксинг олти вазн тоифаси экс-чемпиони, айти вақтда Golden Boy промоутерлик клуби раҳбари Оскар Де Ла Хойя ва тўрт вазн чемпиони мексикалик Хуан Мануэль Маркес АҚШнинг Карсон шаҳрида уюштирилган бокс кечасида учрашишди.

Маркеснинг асосий мақсади, бешинчи вазнда олтин камарни қўлга киритиб, мексикалик боксчилар орасида биринчи бўлиб, беш вазнда чемпион бўлган спортчига айланиш.



Англиялик Келл Брук икки кун аввал IBF йўналишидаги олтин камарни қўлга киритган эди. Хуан Мануэль яқин келажакда Брук билан жанг ўтказиш мақсади борлигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, Хуан Мануэль Маркес 17 май куни собиқ чемпион Майк Альвародо билан рингда тўқнаш келиб, очколар нисбатига кўра муваффақият қозонган эди.

**Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

ТўЛИҚ ТўЛанаДИ

Вафот этган кишининг жамғарилган пенсия маблағлари мерос бўлиб ўтадими?

Х. Боймирзаева.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ:

«Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.»

**Саволга Китоб туманидаги
«Кафолат» адвокатлик бюроси адвокати
Тошпўлат МУЗАФАРОВ жавоб берди.**

ЎЗИ ТОПШИРГАНИ МАЪҚУЛ

ФХДЁга аризаларни бўлгуси келин-куёвдан бири олиб бориб топширса бўладими?

Н. Абдулазизова.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31

декабрда тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»нинг 83-бандига асосан:

«Никоҳни қайд этиш ҳақидаги ариза ФХДЁ органи ходими иштирокида

ТЕГИШЛИ МУДДАТ БЕЛГИЛАНГАН

Бир танишим ўз исмини ўзгартирган эди. У энди ўз исмини яна ўзгартириши мумкинми?

Х. Нормуродова.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31 декабрда тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»нинг 153-бандига асосан: «Фамилия, исм, ота исми ўзгартirilган шахс иккинчи марта ФХДЁ органига мазкур масалада бир йил ўтгандан сўнг мурожаат этиши мумкин.»

**Саволга Бекобод шаҳар ФХДЁ
бўлими 1-тоифали инспектори
Хуррият АРТИҚОВА
жавоб берди.**

имзоланиши ҳамда у томонидан аризада кўрсатилган маълумотлар ариза берувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан текшириб қабул қилиниши лозим.» Шунга мувофиқ, ҳар бир ариза берувчи шахс ўз аризасини ўзи топшириши лозим.

**Саволга Олмалик шаҳар
ФХДЁ бўлими мудири Наргиза
АХМЕДОВА жавоб берди.**

Муассеслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Боалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Боалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлёмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

**Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — Дилором
МАТКАРИМОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 836. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 6302. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46